

## ТАБИЙ ИПАК ИПИДАН ТҮҚИМАЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ

**Н.Б.Юсупова**

Доц., Тошкент түқимачилик ва енгил саноат институти

**Ш.Р.Умарова**

Мустақил изланувчи , Тошкент түқимачилик ва енгил саноат институти

**С.Мурадова**

Мустақил изланувчи , Тошкент түқимачилик ва енгил саноат институти

**Б.А.Сидиков**

Магистр, Тошкент түқимачилик ва енгил саноат институти

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.7178399>**

**Аннотация.** Мақолада мураккаб бурамли пиширилган иплардан гижимланиши хусусиятлари юқори бўлган костюмбоп түқималар ишлаб чиқарии технологияси ва сирт зичлиги бўйича ипак түқималарини лойиҳалаши масалалари кўриб чиқилган.

**Калим сўзлар:** ипак, тўқима, зичлик, танды, арқоқ.

## ДИЗАЙН ТКАНИ ИЗ НАТУРАЛЬНОЙ ШЕЛКОВОЙ ПРЯЖИ

**Аннотация.** В статье рассмотрены вопросы проектирования шелковых тканей по заданной поверхностной плотности и технология выработки шелковых костюмных тканей пониженной несминаемости из натуральных шелковых нитей сложного кручения.

**Ключевые слова:** шелк, ткань, плотность, основа, уток.

## NATURAL SILK FABRIC DESIGN

**Abstract.** In article questions of designing of silk fabrics on the set superficial density are considered and in given article the technology development and silk dress fabriks from natural silk threads of complex torsion is considered.

**Keywords:** silk, fabric, density, warp, weft.

## КИРИШ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24-мартдаги «Республика ипакчилик тармоғи корхоналарини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ҳамда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 29-мартдаги қарори юртимизда ипакчилик соҳасини ривожлантириш, ипак қуртини парваришлаш ва пилла этиштириш жараёнларини узлуксиз такомиллаштириш, хом ипак, ипак калава ишлаб чиқариш ва уларни чуқур қайта ишлашнинг самарали усууларини кенг жорий этишни таъминламоқда. Шунингдек, ипақдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда қишлоқ жойларида аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишни таъминлайдиган ягона ва яхлит ташкилий технологик тизимни барпо этиш асосида ипак матоларини ассортиментлик хусусиятларини кўпайтиришнинг комплекс ривожлантиришда қўл келмоқда.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДЛОГИЯСИ

Тўқималар ишлаб чиқариш учун пиширилган ипларни қўллаш ғижимланишини қисман камайтиради. Тўқиманинг ғижимланиш кўрсаткичларини камайтириш учун мураккаб пиширилган ипларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Агар турли йўналишда пиширилган бир нечта ипни тескари йўналишда пиширилган ипларга қўшиб яна пишиши берилса, мураккаб бурамли иплар ҳосил бўлади. Бундан ипнинг таркибида икки

йўналишда пишитилган иплар мавжуд бўлганлиги сабабли ипларнинг иккала йўналишдаги деформацияларга қаршилиги ортади. Натижада ипнинг ғижимланишига қаршилиги ҳам кўпаяди. Бундай тўқималардан ишлаб чиқарилган тўқиманинг ғижимланиши кам бўлади.

Костюмбоп тўқималарнинг ассортименти таҳлилидан келиб чиқсан ҳолда ғижимланиш кўрсаткичлари паст бўлган тўқималарни лойиҳалаш масаласи кўриб чиқилди.

Хозирги кунда тўқималарни лойиҳалашнинг кўплаб усуслари мавжуд. Биз ўз тадқиқотларимизда янги тўқималарни белгиланган сирт зичлиги бўйича лойиҳалаш усулидан фойдаландик. Бу усуlda тўқиманинг белгиланган сирт зичлигидан келиб чиқсан ҳолда унинг танда ва арқоқ бўйича зичлиги аниқланади. Лойиҳалаш жараёнини бошлашдан аввал тўқимадаги танда ва арқоқ ипларининг максимал зичликларини аниқлаш лозим. Бунинг учун дастлаб тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича геометрик зичликлари аниқланади.[1]

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ипларни диаметрларини айлана деб ҳисоблаб, геометрик моделдан тўқимани танда  $l_T$  ва арқоқ  $l_A$  бўйича геометрик зичликларини қўйидаги формуладан аниқлаш мумкин.

$$l_T = d_x \sqrt{4 - K^2 h_T} \quad l_A = d_x \sqrt{4 - K^2 h_A}$$

бу ерда  $d_x$ - ипларни ҳисобий диаметри

Кўндаланг қирқими айлана бўлган иплар учун ҳисобий диаметр қўйидаги аниқланади:

$$d_x = \frac{d_T + d_A}{2}$$

$K_{ht}$ ,  $K_{ha}$  - тузилиш фаза тартибига қараб танда ва арқоқ ипларини эгилиш тўлқин баландлигини ифодаловчи коэффициентлар.

Лойиҳаланиётган тўқима бешинчи тузилиш фазасида бўлади деб фараз қилиб, бу коэффициентларнинг қиймати бирга тенг деб қабул қиласиз. Сўнгра тўқимадаги ипларнинг максимал технологик зичликларини аниқдаймиз. Костюмбоп тўқималар асосан полотно ўрилиши билан тўқилади. Тўқиманинг танда бўйича максимал зичлиги

$$P_{T_{max}} = \frac{100R_T}{l_T t_A + d_T (R_T - t_A)}$$

Арқоқ бўйича максимал зичлиги

$$P_{A_{max}} = \frac{100R_A}{l_A t_T + d_A (R_A - t_T)}$$

бу ерда:  $R_T$   $R_A$  - ўрилишни танда ва арқоқ бўйича раппорти.

Полтно ўрилиши учун яъни  $R_T = R_A = 2$ ,  $t_T = t_A = 2$  бўлганда бу формулалар қўйидаги кўринишга келади:

$$P_{T_{max}} = \frac{100\sqrt{2}}{l_T 2 + d_T (2 - 2)} = \frac{100}{L_T}$$

Юқоридаги формулалар бўйича ҳисобланган геометрик ва максимал технологик зичликлар қийматлари 1-жадвалда келтирилган.

*Ипларнинг геометрик ва технологик зичликлари қийматлари*

Иплар	Ипларнинг чизиқли зичлиги, текс	$d_{ип}$	$d_x$	Геометрик зичлик	Максимал технологик зичлик, ип/дм
Танда	2,33x8	0,16	0,16	0,319	302
Арқоқ	2,33x8	0,16		0,319	302

Максимал технологик зичликлар аниқлангандан сўнг белгиланган сирт зичлигини таъминлаш учун керак бўлган танда ва арқоқ ипларининг зичликлари аниқланади.

Амалда тўқув дастгоҳида тўқимани ҳақиқий зичлиги максимал зичликдан кам бўлади. У максимал зичлик бўйича тўқимани толали материаллар билан тўлдирилиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

**МУХОКАМА**

Лойихаланаётган тўқиманинг сирт зичлигини 100, 110 ва 120 г/м<sup>2</sup> деб қабул қилган ҳолда. (1) адабиётда келтирилган услуб бўйича тўқималарнинг ҳақиқий зичликлари аниқланди ва уларнинг техник ҳисоби бажарилди. Техник ҳисоб натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-Жадвал

**Тўқималарнинг тахтлаш кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	Вариантлар		
			B-1	B-2	B-3
1	Танда ипларнинг чизиқли зичлиги	Текс	2,33x8	2,33x8	2,33x8
	Арқоқоқ ипларнинг чизиқли зичлиги	Текс	2,33x8	2,33x8	2,33x8
2	Ҳом тўқиманинг эни	См	160	160	160
3	Тайёр тўқиманинг эни	См	150	150	150
4	Танда ипларнинг зичлиги	Ип/дм	300	300	300
5	Арқоқоқ ипларнинг зичлиги	Ип/дм	300	250	240
6	Танда ипларнинг сони	дона	5600	5120	4800
7	Тўқманинг ўрилиши	Полотно			
8	Тиф номери	Тиш/дм	75	75	75
9	Тиф тишидан ўтказиладиган танда иплари сони	Ип/тиш	4	4	4
10	Тўқманинг сирт зичлиги	г/м <sup>2</sup>	118	112	105
11	Тўқманинг чизиқли зичлиги	г/м	189	179	163
12	Тўқманинг боғланиш каэффициенти	коэф	8,1	7,46	6,15
13	Тўқманинг толали материаллар билан тўлдирилиш каэффициенти	коэф	0,9	0,82	0,68

**ХУЛОСА**

Лойихаланган тўқималарни ишлаб чиқариш учун технологик жараёнлар танланди ва уларнинг технологик омиллари аниқланди.

Мураккаб пишитилган табиий ипак ипларидан белгиланган сирт зичлиги бўйича костюмбоп тўқималар лойихаланди ва уларнинг техник ҳисоби бажарилди.

## REFERENCES

1. Алимбаев Э.Ш. «Тўқима тузилиши назарияси» Тошкент, «Алоқачи» нашриёти, 2005 й. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.
2. Содикова Н.Р., Хасанов Б.К. Designing of febrics of new structures from natural silk.
3. Содикова Н.Р., Хасанов Б.К. Проектирование тканей новых структур из натурального шелка.